



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

II чорак 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти
томонидан тайёрланди

Меҳнат бозори шарҳи


Меҳнат ресурслари

Иш ўринлари ва меҳнат аризалари эълон қилиниб бориладиган онлайн очиқ манбалар маълумотларига кўра, 2025 йилнинг II чораги давомида меҳнат бозорида тақлиф этилаётган бўш иш ўринлари сонининг **сезиларли ўсиши кузатилди**. Хусусан, ушбу даврда бизнес субъектлари томонидан I чоракка нисбатан **28,7 фоизга** кўп иш ўринлари эълон қилиниб, уларнинг салмоқли қисми савдо (19,4%), умумий овқатланиш (17,5%) ва ишлаб чиқариш (16,8%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди (1-расм).

II чоракда асосан махсус кўникма ва малакага эга бўлган иш қидирувчилар томонидан фойдаланиладиган манбаларда фаол меҳнат аризалари (резюмеелар) сони ҳам ўсишда давом этди. Маълумотларга кўра¹, савдо, хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама соҳаларида резюмеелар сони сезиларли ошган.


Шу билан бирга, жорий йил давомида онлайн иш қидириш фаоллиги динамикаси сўнгги йилларга нисбатан **пасайиш тенденциясини намоён этди** (2-расм).

1-расм. 2025 йилда эълон қилинаётган бўш иш ўринлари сони, мингта



Манба: Марказий банкнинг очиқ маълумотларга асосланган ҳисоб-китоблари.

2-расм. Иш қидириш бўйича сўровлар сонининг динамикаси индекси



Манба: Google Trends маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

¹ <https://buka.hh.uz/article/33819>.

2025 йилнинг II чорагида вакансиялар сонининг сезиларли ўсиши мавсумий омиллар, жумладан иқтисодий фаолликнинг жонланиши ва талабнинг ошиши билан боғлиқ. Бироқ, вакансиялар сони ортиб бориши шароитида онлайн иш қидириш фаоллиги пасайиши меҳнат бозорида **талаб ва таклиф ўртасида номутаносибликлар** кузатилаётганлигини билдиради. Яъни, бу бизнес томонидан махсус кўникма ва малакага эга бўлган ишчиларга нисбатан талабнинг ошаётганлиги, бироқ иш қидирувчилар орасида ушбу кўникмага эга бўлган ходимларнинг етишмаслиги ёки аксинча резюмеларнинг мавжуд талабларга мос келмаслиги жорий динамиканинг шаклланишига хизмат қилган бўлиши мумкин.

Марказий банк томонидан ўтказилган иқтисодий фаоллик бўйича сўровнома натижалари келгуси ойларда **иш ўринлари сонини оширишни кутаётган тадбиркорлар улуши пасаяётганлигини** кўрсатмоқда. Жумладан, II чорак давомида ўртача **30,2 фоиз** (*I чоракда 36,3 фоиз бўлган*) тадбиркорлар келгуси уч ойда иш ўринлари сонини оширишини билдиришган.


Шу билан бир қаторда, мазкур даврда **иш ўринлари сонини жорий ҳолатда сақлаб қолишни билдирган тадбиркорлар улушининг ўсиши** кузатилган (*I чоракдаги ўртача 56,4 фоиздан II чоракда 61,2 фоизгача*). Бу келгуси чоракда ҳам бизнес субъектлари талабнинг ўсиши сақланиб қолишини, бироқ унинг ўсиши аввалги даврларга нисбатан пастроқ шаклланишини кутаётганлигини ва шу сабабли ишчи кучини мослаштиришга тайёргарлик кўраётганлигини кўрсатади. Натижада, қисқа муддатли ораликда иқтисодий ўсишнинг тезлашиши, ишсизлик даражасининг пасайиши ҳамда талаб томондан нархларга босим ортиши кузатилиши мумкин (*3.а-расм*).

Иш ўринлари сонини оширишни кутаётган тадбиркорлик субъектлари улушининг **пасайиши асосан саноат ва хизматлар соҳалари** ҳиссасига тўғри келади. Бунда саноат соҳасидаги респондентларнинг **26,8 фоизи** (*ўтган йилнинг мос даврида 33,7 фоиз*), хизматлар соҳасида эса **29,1 фоизи** (*32,4 фоиз*) келгуси даврларда иш ўринлари сонини оширишни режалаштиришган (*3.б-расм*).

3-расм. Иш ўринлари сонининг ўзгариши бўйича корхоналар кутилмалари, фоизда

а) Умумий (2025 йил, ойлик)

б) Соҳалар кесимида (чораклик)




Манба: Марказий банк.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони ўсишда давом этмоқда. Жумладан, 2025 йил 1 июль ҳолатига якка тартибдаги тадбиркорлар сони **296 минг нафарни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,6 фоизга** ошган. Ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони эса ушбу давр мобайнида **1,5 баробарга** кўпайиб, **5,5 миллион нафарга** етди (4-расм).

Марказий банк ўрганишлари сўнгги даврларда мамлакат иқтисодиётида **изчил ўсиш барқарор** давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, ушбу ҳолат 2024 йил давомида ҳамда 2025 йилнинг ўтган даврида яққол намоён бўлган (5-расмда *Ўзбекистон бўйича Бевериж эгри чизиғи чапга вертикал силжиган*). Бунда меҳнат бозорида босимнинг кучайиши, яъни ишсизликнинг пасайиши билан бир вақтда ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб бориши кузатилган.


2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида **меҳнат бозорида самарадорлик 2024 йилнинг сўнгги давларига нисбатан пастроқ шаклланди**. Яъни, ишсизлик даражасининг пасайиши секинлашуви шароитида иш ўринлари сони сезиларли ошди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг катталашаётганлигидан далолат берса-да, меҳнат бозорида **талаб ва таклиф ўртасидаги номуносиблик сақланиб қолаётганлигини** билдиради.

4-расм. Ўзини-ўзи банд қилганлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони, минг киши



Манба: Солиқ қўмитаси.

5-расм. Ўзбекистон бўйича Бевериж эгри чизиғи², фоизда, мавсумийликдан тозаланган



Манба: Миллий статистика қўмитаси, КҚБВ ва СЕІС маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Иш ҳақи динамикаси

2025 йилнинг II чорагида иш ҳақининг номинал ўсиш суръати йиллик **17,2 фоизни** ва реал ўсиш суръати эса **7,3 фоизни** ташкил этди (6-расм). Бунда ўртача ойлик иш ҳақи қарийб **6,0 млн сўмга** тенг бўлди.


Соҳалар кесимида, молия ва суғурта ҳамда ахборот ва коммуникация хизматлари йўналишларида ўртача **иш ҳақининг бошқа соҳаларга нисбатан юқори шаклланиши** сақланиб қолди (мос равишда 16,3 ва 14,8 млн. сўм). Шу билан бирга, II чорак давомида **ахборот, транспорт ва ижтимоий хизматлар йўналишларида фаолият юритувчи ходимларнинг иш ҳақиси** қолган тармоқларда фаолият юритувчиларникига нисбатан **реал ва номинал қийматларда юқорироқ ўсди**. Иш ҳақининг энг кам ўсиши қурилиш соҳасида кузатилиб, ушбу соҳада фаолият юритувчи ходимларнинг ўртача иш ҳақи номинал қийматда йиллик **6,1 фоизга** ошган бўлса, реал қийматда **2,8 фоизга** камайди (7-расм).

² Бевериж эгри чизиғи ишсизлик ва бўш иш ўринлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни акс эттириб, меҳнат бозори ҳолати ва иқтисодий барқарорлиги бўйича муҳим маълумотларни тақдим этади. Жумладан: 1) Бевериж эгри чизиғининг чап томон пастга силжиши меҳнат бозори самарадорлиги ошганини билдиради; 2) эгри чизиқнинг ўнг томон юқorigа силжиши меҳнат бозори самарадорлиги пасайганлигидан далolat беради; 3) эгри чизиқнинг чапга вертикал силжиши иқтисодий кенгайиш босқичига кираётганлигини, ўнгга вертикал силжиши эса иқтисодий таназзул (рецессия) босқичига ўтаётганлигини англатади.

6-расм. Иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиш суръати, фоиз



7-расм. Айрим тармоқларда ўртача иш ҳақи, млн сўмда




Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Қўшни давлатларда иш ҳақи динамикаси шаклланиши

Сўнгги чоракларда Ўзбекистонда реал иш ҳақининг ўсиши минтақадаги давлатлар билан солиштирганда нисбатан пастроқ шаклланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-март ойлари давомида Марказий Осиё давлатларида реал иш ҳақининг ўртача ўсиши **9,8 фоизни**, айрим Кавказ давлатларини ҳисобга олганда эса **9,1 фоизни** ташкил этди (*ушбу даврда Ўзбекистонда реал иш ҳақи ўсиши 7,2 фоизга тенг бўлган, 1-расм*). Иқтисоди ўхшаш мамлакатларга нисбатан мазкур тафовутнинг узоқ муддат сақланиб қолиши келгусида Ўзбекистон меҳнат бозори иштирокчиларининг харид қобилияти пасайишига ва талабнинг сусайишига олиб келади.

1-расм. Минтақада реал иш ҳақи ўсиш суръати тенденцияси, йиллик фоиз



2-расм. Айрим давлатларда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, АҚШ долларида



Манба: Марказий банк, Миллий статистика қўмитаси ва CEIC маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

* Марказий Осиё ва Кавказ: Қозоғистон, Монғолия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари.

** Марказий Осиё: Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари.

Шунингдек, 2025 йилнинг II чорагида Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори **91 АҚШ долларини ташкил этди (2-расм)**. **Энг юқори минимал иш ҳақи** миқдори эса Беларусия (**243 АҚШ доллари**), Озарбайжон (**235 АҚШ доллари**) ва Монголия (**222 АҚШ доллари**) давлатларига тўғри келади.

Ўзбекистонда йиллик минимал иш ҳақининг аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмига нисбати **35 фоизга** тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичнинг юқорироқлиги мамлакатда даромадлар бошқа давлатларга нисбатан тенгроқ тақсимланганлигини кўрсатса, нисбатнинг пастлиги аксинча даромадларнинг нотекис тақсимланганлигидан далолат беради. Минтақа давлатлари орасида Қозоғистон (**14%**), Қирғизистон (**14%**) ва Грузия (**12%**) давлатларини ҳисобга олмаганда, бошқа давлатлар, жумладан Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичлари юқорироқ ва бир-бирига яқин шаклланган.


Демографик ҳолат

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотларига кўра, 2025 йилнинг 1 июль ҳолатига иқтисодиётда иш билан банд аҳоли сони **14,6 млн**, ишсизлар сони эса **800 минг** нафарни ташкил этди. Меҳнат бозорида қамраб олинмаган аҳоли, жумладан болалар, талабалар, нафақахўрлар ва бошқалар сони **22,5 млн**, шундан меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сони **12 млн** нафарга тенг бўлди (8-расм).


Мамлакатда аҳолининг доимий ўсиб бориши ва таркибий жиҳатдан ёшлар жами аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, келгусида меҳнат бозори учун босим яратиши мумкин (1-илова). Хусусан, ҳозирги меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган **аҳоли аста-секин меҳнат бозорига қўшилиб**, иш ўрнига бўлган талабни сезиларли оширади ҳамда бандлик, иш ҳақи даражаси ва иқтисодий унумдорликка таъсир кўрсатади.

Шунингдек, сўнгги даврларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги (15-64 ёш) **аҳоли сони ўсиш суръатининг сезиларли юқорилаши** кузатилмоқда. Хусусан, ўсиш суръати 2022 йилдаги **0,8 фоиздан** 2025 йилнинг I чорагида **1,4 фоизгача** ошган (9-расм).

8-расм. Ўзбекистон аҳолисининг меҳнат бозоридаги тақсимоти, млн. нафар



9-расм. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ўсиш суръати, 15-64 ёш, фоиз



Манба: Миллий статистика қўмитаси.
Изоҳ: Меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сони 2025 йил I-чорак ҳолатига

Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Бу асосан аҳолининг таркибий ўзгариши, унда ёшлар улушининг ўсиб бориши ва уларнинг меҳнат бозорига тез кириб келиши билан ифодаланади. Келгусида ушбу тенденциянинг сақланиб қолиши ҳамда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг самарали ўзлаштирилиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, талаб томондан инфляцион босим кўпайишига хизмат қилиши мумкин.


Пул ўтказмалари динамикаси ва меҳнат муҳожирлари оқими

2025 йилнинг иккинчи чорагида меҳнат муҳожирлари томонидан Ўзбекистонга жами **4,8 млрд. доллар** миқдорида пул ўтказмалари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **21,4 фоизга** ўсди (*2024 йилнинг мос даврида 38,6 фоиз ўсган, 10-расм*). Жорий динамиканинг шаклланиши асосан меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи мамлакатларда валюта курсларининг нисбатан барқарорлиги, иш ҳақининг ошиши ва иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари билан боғлиқ.


Шу билан бирга, II чорақда турли минтақалардан жўнатилган пул ўтказмалари ўсиш суръатининг сезиларли ўзгариши кузатилди. Хусусан, Болтиқ давлатлари, Европа ва бошқа минтақалардан ўтказмалар ҳажми ўсиш суръати қолган минтақаларга нисбатан юқорироқ сақланиб қолди. Бунда, айниқса Болтиқ давлатларидан пул ўтказмаларининг сезиларли ошиши кузатилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **65,6 фоизга** ўсди. Шунингдек, мазкур даврда АҚШ, Россия ва Европадан жўнатилган пул ўтказмалари ўсишининг пасайиши (*мос равишда 10,3, 23,7 ва 26,9 фоизгача*) кузатилган бўлса, Осиёдан ўтказмаларнинг барқарорлашуви сақланиб қолди (*11-расм*).

Ташқи бозорда, хусусан Россия, Европа ва Болтиқ давлатларида кузатилаётган сўнгги ўзгаришлар ҳамда меҳнат муҳожирларига бўлган талабнинг ўсиши пул ўтказмаларидаги жорий динамиканинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Бу, ўз навбатида, меҳнат муҳожирлари оқими йўналишлари босқичма-босқич кенгаяётганлигидан далолат беради.

10-расм. Пул ўтказмалари динамикаси, млрд долл.




11-расм. Айрим минтақалардан пул ўтказмалари ўсиш суръатининг ўзгариши, йиллик, фоизда



Манба: Марказий банкнинг ҳисоб-китоблари.

Изоҳ: **Болтиқ давлатлари минтақаси** Латвия, Литва ва Эстония давлатларини, **Европа минтақаси** Буюк Британия, Швеция, Полша, Германия, Нидерландия, Финландия, Испания, Чехия, Грузия, Франция ва Хорватия давлатларини ҳамда **Осиё минтақаси** Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия, Исроил, Қирғизистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Тожикистон, Кипр ва Япония давлатларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон аҳолисининг демографик пирамидаси (фоизда)



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22